

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ
ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И
№ 1-1411-2501/255**

2026 йил апрель ойининг 6 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Х.Келдиярова,

ҳайъат судьялари Ф.Худайбердиев ва А.Акрамовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Турсунболтаевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Эгамбердиев ва Б.Султанов, судланган Ш.А.нинг ҳимоячиси – адвокатлар О.Турсунов ва А.Холикуловнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2026 йил 16 январдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан судланган

Ш.А. – 1985 йил 7 октябрь куни Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали икки нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2024 йил 25 сентябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан 1 йил 4 ой озодликдан чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2025 йил 10 апрелдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан 11 ой 27 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шарли равишда озод этилган, ишсиз, Оқдарё тумани “----” маҳаллалласи, “---” қишлоғида яшайди, “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм юзасидан судланган Ш.А. ва унинг ҳимоячиси – адвокатлар О.Турсунов ва А.Холикуловнинг кассация шикоятига асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ш.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 60-моддаси тартибида, узил - кесил 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ш.А.дан жабрланувчи О.О. фойдасига 190.146.000 сўм ва С.Ё. фойдасига 82.000.000 сўм ундирилиши белгиланган.



Суднинг ҳукмига кўра, Ш.А. бирор бир фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан, осон йўллар билан бойлик орттириш мақсадида, товламачиликни ўзига касб қилиб, жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзганинг мулкани текин қўлга киритиб моддий манфаат кўриш мақсадида, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир неча жинойи қилмиш ҳисобланган Оқдарё тумани, “----” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган Қорадарё дарёси ўзанларидан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тегишли ҳужжатларга асосан қум-шағал аралашмаларини қайта ишлаш ишларини бажариб келаётган “Самарқанд сифатли бетон” масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари О.О.га ўзини гўёки экология соҳаси бўйича жамоатчилик назорати бўйича блогер (Eco blogger) сифатида таништириб, “Самарқанд сифатли бетон” масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилаётган қум-шағалларни қазиб олиш жараёнларини видеотасвирга олиб, ушбу видеотасвирни экология хизматига юбориб, уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишини айтиб кўрқитиб, ундан 2024 йил июнь ойидан 2025 йил июль ойига қадар баҳоси 5 146 000 сўмлик кафелларни, баҳоси 12 000 000 сўмлик темир профилларни, баҳоси 7 500 000 сўмлик ёғоч стропилаларни, баҳоси 6 000 000 сўмлик ёғоч чорпоyani, баҳоси 45 000 000 миллион сўмлик 15 та юк машинаси ювилган қум ва майдаланган тош аралашмасини ҳамда 115 000 000 сўм пулларни жами 190 146 000 сўмлик нарса ва пулларни қонунга хилоф равишда олган.

Бундан ташқари, Ш.А. ўзининг жинойи хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзганинг мулкани текин қўлга киритиб моддий манфаат кўриш мақсадида Оқдарё тумани “Чорбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган Қорадарё дарёси ўзанларидан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Самарқанд вилоят бошқармасининг 01.06.2019 йилдаги SM0076F-рақамли 01.06.2032 йилга қадар бўлган муддатга дарё ўзанидан қум-шағал аралашмаси қазиб олиш бўйича гувоҳномага асосан қум-шағал қазилган ишларини бажариб келаётган “Safina Molot Servis” масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари С.Ё.га ўзини гўёки экология соҳаси бўйича жамоатчилик назорати бўйича блогер (Eco blogger) сифатида таништириб, “Safina Molot Servis” масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилаётган қум-шағалларни қазиб олиш жараёнларини видеотасвирга олиб, ушбу видеотасвирни Экология хизматига ва ижтимоий тармоқларга тарқатиб, уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишини айтиб кўрқитиб, 2024 йил январь ойидан 2025 йил июль ойига қадар 70 000 000 сўм пулларни ва 12 000 000 сўмлик 20 та юк машинаси шағалларни қонунга хилоф равишда олиб, 2025 йилнинг якунига қадар унинг корхонасига тегинмаслигини ва уни тинч қўйиш учун 2 000 АҚШ долларини талаб қилиб, 2025 йил 22 июль куни соат 17:30ларда Самарқанд вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан Оқдарё тумани, “----” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган тезкор тадбирда ўндан унинг сир сақланиши лозим бўлган маълумотларини ошкор қилмаслик



эвазига фуқаро К.А. орқали Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасида 25 200 000 сўмга тенг бўлган 2 000 АҚШ долларини олган вақтида ушланиб, ундан 2 000 АҚШ доллари миқдорига пуллар ашёвий далиллар тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинган.

Кассация шикоятларда, дастлабки тергов ва суд томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, иш ҳужжатларида Ш.А.ни айбини тасдиқловчи далиллар етарли бўлмаса-да, уни ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми билан айблаб нотўғри тўхтамга келинганлиги сабабли, суд ҳукмини бекор қилган ҳолда ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Х.Келдиярованын маърузасини, прокурор Б.Султоновни шикоятларни рад этиш ва биринчи инстанция суди ҳукмини ўз кучида қолдириш ҳақидаги, судланган Ш.А.нинг ҳимоячиси – адвокатлар О.Турсунов ва А.Холикуловнинг шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, кассация шикоятларида келтирилган вазиятни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланган Ш.А.нинг суд ҳукмида баён қилинган жиноятни содир этганликдаги айби, биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувидан ташқари ариза, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув баённомалар ва унга илова қилинган фотосуръатлар, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари каби ишда мавжуд бўлган бир қатор ҳолисона далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Шикоятдаги, дастлабки тергов ва суд томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги ҳақидаги вазият билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

-фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81–моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

-далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

-далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги” хусусида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, жиноят ишини кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда, тергов органи томонидан тўпланган далилларга ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб, қонуний ва асосли тўхтамга келган.



Бундан ташқари шикоятдаги, иш ҳужжатларида Ш.А.ни айбини тасдиқловчи далиллар етарли бўлмаса-да, уни ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми билан айблаб нотўғри тўхташга келинганлиги ҳақидаги вазияти ҳам асосиздир.

Зеро, ушбу вазият биринчи инстанция судида сўроқ қилинган жабрланувчи С.Ё.нинг, Ш.А. ўзини уларга “экоблогер” деб таништириб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ёмонлаб, ижтимоий тармоқларга турли видеолар чиқариб, уларнинг фаолияти устида турли органларга мурожаат қилиб фаолиятларига аралашиб келганлиги, текширувлар иш фаолияти тўхтаб қолишига, бу эса бошқа ташкилотлар билан тузилган шартномаларни ўз вақтида бажара олмасликка олиб келганлиги, шундан сўнг Ш.А. билан келишишган мажбур бўлганлиги, Ш.А.га жами 70.000.000 сўм берилганлиги, Ш.А. у билан келишмаганлиги, укаси билан келишганлиги, шундан сўнг Ш.А.нинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини тўхтатиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилганлигини, тадбир куни пулларни Ш.А.га бериш учун К.Абдусаломовга берганлиги, тадбир ҳаракатлари давомида Ш.А. пуллар билан тегишли тартибда ушланганлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи О.Орзуевнинг, “Самарқанд сифатли бетонлар” масъулияти чекланган жамият раҳбари экани, унинг жамияти асосан қум-шағалларни қайта ишлаш (майдалаш) билан шуғулланиб келиши, хом ашё (қум-шағал)ни Самарқанд вилоятида жойлашган турли карьерлардан сотиб олиши, масъулияти чекланган жамият Оқдарё тумани, Чорбоғ-2 маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашганлиги, 2024 йил июнь ойида корхонага ўзини “Эко блогер” деб таништирган Ш.А. исми шахс келиб, уларни ноқонуний ишлаётганларини, шунинг учун тегишли идораларга шикоят қилишини айтганлиги, унга эътибор бермагани, шунда Ш.А. ўзининг уяли телефон аппаратида уларни махсус техникаларининг иш жараёнларини видеога олиб, гўёки уларни жамияти ноқонуний фаолият билан ишлаб келаётганлиги ҳақидаги видеолар ҳақида ясаб ваъда берган ташкилотларга шикоят билан мурожаат қилганлиги, бунинг натижасида масъулияти чекланган жамиятда текшириш ўтказилиб, жаримага тортилганлиги, шундан кейин акаси О.Орзуев Ш.А.ни олдида бориб уларни тинч қўйиши учун нима қилиш кераклигини сўраганида, Ш.А. ҳар ойнинг 15 санасида 3 миллион сўм пул ва бир “Хово” русумли юк машина қум-шағал аралашмаси бериб турса, уларни ишига аралашмаслигини айтганлиги, улар ноилоҳ ҳар ой Ш.А.га талаб қилган 3 миллион сўм пул ва бир юк машина 3 миллион сўмлик қум-шағал аралашмасини бериб келганлари, бундан ташқари, Ш.А. ўз уйида қурилган айвонига ёғоч стропила ва темир профилларни, ҳаммомига янги кафеллар олиб берганлари, уларни фотосурати телефонига сақланганлиги ҳамда ёғоч чорпоя олиб берганлиги, жами бўлиб Ш.А. акаси О.Орзуев орқали тахминан 15.000 АҚШ долларга яқин миқдорда пулларни товламачилик йўли билан олганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ С.Рахимовнинг, 2025 йилнинг февраль ойларида Д.Негматов исми Самарқанд шаҳар Кафтархона маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида кафель савдо дўкони бўлган жўрасини олдида иш юзасидан турган вақтида, киши О.О. ёнида бир нафар унга нотаниш бўлган ўзбек миллатига мансуб



эркак киши билан бирга келиб, ушбу одамга кафель кераклигини айтганлиги, Дамир унга кафель танлашини айтганида Одил билан ўша ўзбек киши кафелни танлаганлари, лекин қанақалигини билмаслиги, Одил Дамирдан кафель нархини арзонроқ қилишини ва насияга беришини, пулларини уни ўзи кейинроқ тўлашини айтиб илтимос қилганлиги, шунда Дамир йўқ демасдан рози бўлганлиги, уларга юк ташиш хизматини таклиф қилганида, Оқдарё туманига деб ёнидаги одамни кўрсатиб “бу кишини уйига” деб ўзини машинасида олиб кетишини айтганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ Х.Аминовнинг, 2025 йил июнь ёки июль ойларида О.Орзуев унга кўнғироқ қилиб Оқдарё туманига чорпоя (карават) олиб бориш кераклигини айтганлиги, у бўш бўлганлиги сабабли рози бўлиб, Ориф айтган чорпоялар сотадиган Самарқанд шаҳар “Кафтархона” маҳалла фуқаролар йиғини атрофида жойлашган савдо дўконга борганлиги, Ориф билан учрашиб, юк машинасига 2,5х3 метрли ёғочли тўқ рангли чорпояни ортиб, Ориф кўрсатган манзил бўйича Орифнинг машинаси ортидан борганлиги, яъни Оқдарё тумани йўлидан бориб, қайрилиб олиб, сўнг ўнгга кириб кетиб, анча ичкарига кирганлари, уларни кўчада тўладан келган бақувват сочлари қора эркак киши кутиб олганлиги, Ориф билан ўзбек тилида гаплашиб, ҳовлисига олиб боришини айтиб йўлни кўрсатганлиги, чорпояни уларни ўзлари тушурганлари, сўнг у Самарқанд шаҳрига қайтиб кетганлиги, ўша одамни кўрса танишлиги, Ориф унга ўша одамни “мошенник” деб айтганлиги ҳақидаги;

-гувоҳ К.Абсаломовнинг, 2019 йил 2 октябрдан буён “Сафина молот сервис” масъуляти чекланган жамиятда ҳайдовчи бўлиб ишлаб келиши, 2024 йил январь ойидан бошлаб амакисининг ўғли Ш.А. жамият таъсисчиси С.Ё.нинг иш фаолиятига тўсқинлик қилиб, ҳар хил турдаги бўхтон уйдирмалар билан видеоларга олиб, ижтимоий тармоқларга тарқатиб келганлиги, ушбу видео тасвирларини тарқатмаслик эвазига С.Ё.дан ҳар ойи мунтаззам равишда 5.000.000 сўмдан у орқали олиб келганлиги, ушбу пулларни яшаш уйига ўзига бериб келганлиги, чунки қариндоши бўлганлиги учун унга ишонганлиги, у эса бир неча маротаба Ш.А.га у қилаётган ишлари ноқонуний эканлигини тушунтириб беришига қарамай ушбу ишни давом этириб келганлиги, 2025 йил 21 июль куни тахминан соат 16:00ларда унга қариндоши Ш.А. кўнғироқ қилиб, “С.Ё.дин 2.000 АҚШ доллари пул беради, шуни олиб келиб беринг” деб айтганлиги, шунда Салоҳиддин билан гаплашиб пул бермаслигини биргаликда тегишли органларга мурожаат қилишлигини айтиб, бирга Самарқанд вилояти ИИБга ариза билан мурожаат қилганликлари, аризалари юзасидан тезкор тадбир ўтказилиши тушунтирилгани, улар ушбу тадбирда ўз хоҳиши билан иштирок этганлари, ИИБ ходимлари билан хизмат хонасида икки нафар ҳолис иштирокида

2.000 АҚШ долларига ишлов берилиб, пуллардан иккитасига “Рэкет” сўзлари ёзилганлиги, шундан сўнг бўлиб ўтган барча ҳолатлар видеотасвирга олиниб баённома тузилганлиги, шундан кейин ИИБ ходимлари билан биргаликда қариндоши Шерали айтган манзил бўйича келиб, Шерали билан кўришиб сўраган 2.000 АҚШ долларини берганлиги, шунда Шерали пулларни олиб, 2025 йил декабрь ойига қадар “Сафина молот сервис” масъуляти чекланган жамиятга тегинмаслигини декабрь ойига қадар бемалол ишлаши мумкинлигини



айтганлиги, сўнг ИИБ ходимлари уни ушлаганлари ҳақидаги кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги б-сонли қарорининг 4-бандида, товламачиликни босқинчилик ва талончиликдан фарқлашда товламачиликда зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш мулкни зўрлик ишлатаётган вақтда эмас, балки келажакда қўлга киритишга қаратилишига эътибор бериш лозим. Агар кўрқитиш амалда ишлатилса, қилмиш ЖКнинг товламачилик ҳақидаги моддаси билан ва асослар бўлганда кўрқитиш амалга ошириляётганда содир этилган ҳаракат учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан ҳам тавсифланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Ш.А. бирор бир фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан, осон йўллар билан бойлик орттириш мақсадида, товламачиликни ўзига касб қилиб, жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзганинг мулкни текин қўлга киритиб моддий манфаат кўриш мақсадида, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир неча жинойи қилмиш ҳисобланган Оқдарё тумани, “Чорбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган Қорадарё дарёси ўзанларидан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тегишли ҳужжатларга асосан кум-шағал аралашмаларини қайта ишлаш ишларини бажариб келаятган “Самарқанд сифатли бетон” масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари О.О.га ўзини гўёки экология соҳаси бўйича жамоатчилик назорати бўйича блогер (Eco blogger) сифатида таништириб, “Самарқанд сифатли бетон” масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб бориляётган кум-шағалларни қазиб олиш жараёнларини видеотасвирга олиб, ушбу видеотасвирни экология хизмматига юбориб, уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишини айтиб кўрқитиб, ундан 2024 йил июнь ойидан 2025 йил июль ойига қадар баҳоси 5 146 000 сўмлик кафелларни, баҳоси 12 000 000 сўмлик темир профилларни, баҳоси 7 500 000 сўмлик ёғоч стропилаларни, баҳоси 6 000 000 сўмлик ёғоч чорпояни, баҳоси 45 000 000 миллион сўмлик 15 та юк машинаси ювилган кум ва майдаланган тош аралашмасини ҳамда 115 000 000 сўм пулларни жами 190 146 000 сўмлик нарса ва пулларни қонунга хилоф равишда олган.

Бундан ташқари, Ш.А. ўзининг жинойи хатти-ҳаракатларини давом эттириб, такроран жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзганинг мулкни текин қўлга киритиб моддий манфаат кўриш мақсадида Оқдарё тумани “Чорбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган Қорадарё дарёси ўзанларидан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Самарқанд вилоят бошқармасининг 01.06.2019 йилдаги SM0076F-рақамли 01.06.2032 йилга қадар бўлган муддатга дарё ўзанидан кум-шағал аралашмаси қазиб олиш бўйича гувоҳномага асосан кум-шағал қазилари бажариб келаятган “Safina Molot Servis” масъулияти чекланган



жамиятининг раҳбари С.Ё.га ўзини гўёки экология соҳаси бўйича жамоатчилик назорати бўйича блогер (Eco bloger) сифатида таништириб, “Safina Molot Servis” масъулияти чекланган жамияти томонидан олиб борилаётган кумшағалларни қазиб олиш жараёнларини видеотасвирга олиб, ушбу видеотасвирни Экология хизматига ва ижтимоий тармоқларга тарқатиб, уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишини айтиб қўрқитиб, 2024 йил январь ойидан 2025 йил июль ойига қадар 70 000 000 сўм пулларни ва 12 000 000 сўмлик 20 та юк машинаси шағалларни қонунга хилоф равишда олиб, 2025 йилнинг якунига қадар унинг корхонасига тегинмаслигини ва уни тинч қўйиш учун 2 000 АҚШ долларини талаб қилиб, 2025 йил 22 июль куни соат 17:30ларда Самарқанд вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан Оқдарё тумани, “Чорбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган тезкор тадбирда С.Ё.дан унинг сир сақланиши лозим бўлган маълумотларини ошкор қилмаслик эвазига фуқаро Абдусаломов Камолиддин Абдусаматович орқали Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасида 25 200 000 сўмга тенг бўлган 2 000 АҚШ долларини олган вақтида ушланиб, ундан 2 000 АҚШ доллари миқдоридаги пуллар ашёвий далиллар тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95–моддасига мувофиқ текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланиши баён қилинган.

Мазкур ҳолат иш ҳужжатларида тўпланган қатор далиллар йиғиндиси билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати шикоятдаги важларни асосиз деб баҳолаб, жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида келтирилган деб ҳисоблайди.

Шу маънода, биринчи инстанция суди томонидан Ш.А.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми “а,б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 2-моддасида – Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатлиги;

8-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддаси 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсни ҳамда жазони



енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди Ш.А.га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, юқорида баён этилган Олий суди Пленуми қарорларининг тушунтиришларига амал қилиб, Жиноят кодексининг инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этган ҳолда, содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олган ҳолда, содир этган қилмиши санкцияси дориасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

Судлов ҳайъати, кассация шикоятда келтирилган важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 483, 509⁹ ва 509¹⁰ -моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди:

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2026 йил 16 январдаги Ш.А.га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзаришсиз, келтирилган кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

Х.Келдиярова

Ҳайъат судьялари:

Ф.Худайбердиев

А.Акрамов

